

Луқмага эътибор бериш



10:53 / 21.12.2022 2971

Машҳур компаниянинг иш юритувчи раҳбарлари бири шундай деган:

«Велосипед иқтисодни аста-секин ўлдирувчи нарсадир, чунки велосипед ҳайдовчиси машина сотиб олмайди, машина олиш учун бировдан қарз сўрамайди;

Машинани суғурталаш деган ишни амалга оширмайди;

Ёқилғи сотиб олмайди;

Пуллик машиналар турар жойидан фойдаланмайди;

Машинани таъмирлаш устaxonасига мурожаат қилмайди;

Автохалокатлар содир бўлишига сабаб бўлмайди;

Кўп қаторли йўллар қуришга эҳтиёж бўлмайди;

Велосипед ҳайдовчилари семириш касаллигига учрамайди.

Соғлом инсонлар иқтисод учун керакли кишилар эмас. Чунки улар дори-дармон сотиб олмайдилар, шифохонага, табибга мурожаат қилмайдилар.

Макдоналдснинг янги ошхонаси эса қуйидаги натижаларга сабаб бўлади:

30 та кишининг иши юришишига сабаб бўлади, булар:

10 та юрак шифокори;

10 та тиш шифокори;

10 та вазн йўқотиш бўйича шифокор.

Пиёда юриш улар учун велосипеддан ҳам зарарли, чунки пиёда юрувчилар велосипед сотиб олмайдилар.

Афсуски, кейинги пайтларда фастфуд таомлар кўпайиб, уларнинг миждлари ортиб бормоқда. Касалликлар сони ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Мусулмон инсон луқмасига катта эътибор бериши керак. Ҳалол, касалликка сабаб бўлмайдиган таомни истеъмол қилишимиз лозим.

Аллоҳ таоло барчамизни луқмасига эътибор берадиган бандаларидан қилсин.

Нозимжон Ҳошимжон